

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
 ХУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ
 МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
 ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
 ҚАРОРИ

488 **Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2507

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 11 июлдаги ПФ-4547-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 28-сон, 357-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон «Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 34-сон, 370-модда) бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритилиб, иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари 2013 йил 15 августдан илмий ва раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошлари миқдорлари ўзгарганлигини ҳисобга олиб иш ҳақларини қайта ҳисоблаб тўланишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

37 (589)-сон

— 45 —

488-модда

ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2013 йил 21 январдаги 1, 4-қ/қ ва 7-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2423, 2013 йил 5 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2013 й., 6-сон, 76-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим ҳамда у расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан
ва технологияларни ривожлантиришни
мувофиқлаштириш қўмитаси раиси**

Ш. САЛИХОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 29 август,
4-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири**

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 29 август,
65-СП-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 29 август,
80-сон

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва
технологияларни ривожлантиришни
мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва
аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирли-
ги ва Молия вазирлигининг 2013 йил
29 августдаги 4, 65-СП, 80-сон қарорига
ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари МИҚДОРЛАРИ

Т/р	Лавозимларнинг номи	Базавий лавозим маошларининг миқдори, сўм
1.	Институт директори	
	профессор	1414838
	фан доктори	1357358
	фан номзоди	1300191
2.	Директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, институт ва бошқа илмий муассасалар филиалининг директори	
	профессор	1300191
	фан доктори	1253997
	фан номзоди	1197895
3.	Институтнинг илмий котиби, Илмий-тадқиқот лабораторияси (бўлими) мудир	
	фан доктори ёки профессор	1253997
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди	1197895
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	1152013
4.	Филиал ва бошқа илмий муассасалар директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари	
	фан доктори ёки профессор	1197895
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди	1152013
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	1105873
5.	Бош илмий ходим	
	профессор илмий унвонига эга бўлган фан доктори	1197895
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан доктори	1152013

37 (589)-сон

— 47 —

488-489-моддалар

Т/р	Лавозимларнинг номи	Базавий лавозим маошларининг миқдори, сўм
	илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори	1105873
6.	Етақчи илмий ходим	
	илмий унвонга эга бўлган фан доктори	1152013
	илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори	1105873
	илмий унвонга эга бўлган фан номзоди	1051296
7.	Катта илмий ходим	
	илмий унвонга эга бўлган фан номзоди	1051296
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	997341
	илмий даражага эга бўлмаган	944587
8.	Кичик илмий ходим	
	фан номзоди	997341
	илмий даражага эга бўлмаган (2 йилдан ортиқ илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	944587
	илмий даражага эга бўлмаган (2 йилгача илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	892271
9.	Тажриба орттирувчи тадқиқотчи	787260